

---

Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашининг биринчи сессияси чақирилади

Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашининг биринчи сессияси чақирилади

Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашининг биринчи сессияси 2020 йил 16 январь куни соат 17:00 га чақирилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1) Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши депутатлари сайлови яқунлари бўйича туман сайлов комиссияси раисининг ахбороти.

2) Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида.

3) Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашига сайланган депутатларнинг партия гуруҳларини рўйхатга олиш.

4) Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг доимий комиссияларини тузиш.

5) Ташкилий масала.

6) Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари Қўшма мажлиси Маслаҳат Кенгаши аъзолигига номзодни тавсия этиш ҳақида.

Сессияга туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлиги гуруҳ, бўлим раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, тумандаги ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этиладилар.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАН КЕНГАШИ

2020-01-09 15:28:54